


«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Яккабоғ “Саховат” кексалар ва ногиронлиги
булган шахслар учун интернат уйи
Директори  В.Ш.Арзикулов



«23» Август 2022 йил

Яккабоғ “Саховат” кексалар ва ногиронлиги булган шахслар учун
интернат уйида яшовчиларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизмати
бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

МУНДАРИЖА:

- 1 боб. Умумий маълумотлар
- 2 боб. Асосий тушунча ва атамалар
- 3 боб. Танловда катнашиш учун таклифларни расмийлаштириш бўйича талаблар
- 4 боб. Нархлар қисми
- 5 боб. Шартнома шакли
- 6 боб. Шакллар намуналари
- № 1-шакл. Ариза/Кафолат хати
- № 2-шакл. Танлов катнашчиси тўғрисида умумий маълумотлар
- № 3-шакл. 7 кунлик меню ва калькуляция
- № 4-шакл. Нархлар бўйича таклифлар

1-боб. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Танловнинг тадбиқ этилиш доираси

Ушбу танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ҳамда Яккабоғ "Саховат" кексалар ва ногиронлиги булган шахслар учун интернат уйида яшовчиларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизматини бўйича хизмат кўрсатиш учун ижрочиларни танлаб олиш бўйича Танловни ўтказиш ва унда ижрочиларнинг катнашиш тартибини белгилайди.

Буюртмачи: Яккабоғ "Саховат" кексалар ва ногиронлиги булган шахслар учун интернат уйи (келгусида матн бўйича "Буюртмачи").

Манзил: Кашкадарё вилояти Яккабоғ тумани Чумич куча 12- уй Телефон: (75) 58- 24--443

1.2. Танловнинг номланиши: Яккабоғ "Саховат" кексалар ва ногиронлиги булган шахслар учун интернат уйи яшовчиларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш аутсорсинг хизмати

1.3. Тўлов валютаси: Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм.

Тўлов шартлари: Хизмат кўрсатиш бўйича ўтказилган танлов ғолиби билан тузилган шартнома баҳосининг Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори хар ойнинг 10- санасига :

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида.

1.4. Хизмат кўрсатиш шартлари: хизмат кўрсатиш учун зарур барча жиҳозлар, буюмлар ва бошқа товар-моддий бойликларини Буюртмачи ҳудудига етказиш, ташиб келтириш билан боғлиқ тадбирлар Ижрочи ҳисобидан амалга оширилади.

1.5. Танловда қатнашиш учун таклифлар бериш тили: танлов Қатнашчиси томонидан ишлаб чиқилган ва Буюртмачи манзилига тақдим этилган танлов таклифлари ва ушбу таклифлар билан боғлиқ бошқа барча ҳужжатлар давлат тилида ёки истисно тарикасида рус тилида ёзилган бўлиши лозим.

1.6. Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш танлов тўғрисида берилган эълон тугашига бир кун муддат қолганда тўхтатилади.

1.7. Хизмат бўйича ишларни бажариш муддати: Ижрочи ҳисобрақамига Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида имзоланган шартнома имзоланган санадан бошлаб 2022 йил 31 декабригача бўлган мобайнида.

1.8. Молиялаштириш манбаси: бюджет маблағлари

1.10. Қўшимча маълумотлар.

Танлов ҳужжатлари ва танловда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган бошқа қўшимча маълумотлар учун танловни ўтказиш ҳақида берилган эълон муддати тугашига уч кун қолган муддатгача Буюртмачига мурожаат этиш мумкин.

Кўрсатилаган хизмат, шу жумладан ушбу хизмат бўйича ишлаб чиқилган барча ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг шу каби хизматлар учун белгиланган қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

2-боб. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

Танлов –хизмат тури бўлиб Яккабоғ "Саховат" кексалар ва ногиронлиги булган шахслар учун интернат уйида яшовчиларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизмати), бунда ушбу хизматни кўрсатиш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи ғолиб ҳисобланади.

Танловни ўтказиш ҳақидаги маълумот давлат буюртмачиси томонидан Танловни ўтказиш ҳақидаги эълон ва танлов ҳужжатларини махсус ахборот порталида жойлаштириш орқали чегараланмаган миқдордаги кишиларга етказилади.

Давлат буюртмачиси – давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс.

Давлат хариди – давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишлар, хизматларни) тўлов орқали харид қилиш;

Давлат харидлари субъектлари – давлат буюртмачиси, харид тадбирлари иштирокчиси, давлат харидларини етказиб берувчи, харид комиссияси, махсус ахборот портали оператори ва эксперт;

Харид комиссияси – конкурсни ўтказиш учун Буюртмачининг ходимларидан таркиби беш кишидан кам бўлмаган комиссия тузилади. Эълон қилинган хизматни кўрсатиш бўйича энг яхши таклифлар комиссия томонидан иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш меъзонлари асосида аниқланади.

Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома – техник хизмат кўрсатишнинг тартиби, техник хизмат кўрсатиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгариши ёки тугатилиши ҳақида Давлат буюртмачиси ва Ижрочи ўртасидаги келишув тўғрисидаги ҳужжат.

Махсус ахборот портали – эълонларни электрон шаклда жойлаштириш ва кўриб чиқиш имконини яратувчи техник хизмат кўрсатишни таъминловчи операторнинг веб-сайти ва махсус электрон платформаси. Комиссия иши натижаларига кўра Буюртмачи томонидан комиссия мажлиси баённомаси тузилади, баённомада ўтказилган танлов ва танлов голиби ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу куннинг ўзидаёқ Буюртмачи ва голиб-Ижрочи ўртасида институт ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш бўйича техник хизмат кўрсатиш учун шартнома тузилади.

Махсус ахборот портали оператори томонидан танлов ҳақидаги эълон порталда жойлаштирилган кундан бошлаб кун муддатда ушбу эълон бўйича ишлар тўхтатилади.

Махсус ахборот портали оператори – харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ва уларнинг якулари ҳақидаги маълумотларни махсус ахборот порталида эълонлар, талабномалар ва бошқа ҳужжатларни жойлаштириш орқали давлат харидлари субъектларига хизмат кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

Харид тадбирлари – давлат харидлари бўйича ишлар (ҳаракатлар) мажмуи;

Эълон – режалаштирилган давлат харидлари тўғрисидаги харидларни амалга ошириш усуллари, харидлар шартлари, харидларга қўйилган талаблар, ушбу харидлар бўйича таклифларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари ва бошқа маълумотларни махсус ахборот порталида жойлаштириш.

3-боб. ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

3.1. Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар Буюртмачи комиссияси томонидан танлов Иштирокчиси томонидан тўлдирилган Ариза/Кафолат хатининг (1-шакл) асл нусхаси билан муҳрланган пакетда қабул қилинади.

3.2. Иштирокчи Танловда қатнашиш учун аризада:

кайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот ҳолатида эмаслиги;

эълон қилинган хизматни кўрсатиш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларга эгаллиги;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги;

аввал имзоланган шартномаларда келтирилган мажбуриятларни бажариш бўйича салбий кўрсаткичлари йўқлиги;

Буюртмачи билан суд жараёнида низо ҳолатида эмаслиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши зарур.

3.3. Танловда иштирок этиш учун Иштирокчи Буюртмачига танлов бўйича таклифлар (муҳрланган пакетда) билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

тегишли рўйхатга олувчи органлар томонидан берилган Иштирокчини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш гувоҳномаси нусхаси;

танлов Иштирокчиси тўғрисида, у томонидан кўрсатиладиган хизматларни акс эттирган ҳолда, умумий маълумотлар (2-шакл);

харид қилинаётган хизмат бўйича 7 кунлик меню ва калькуляция (3-шакл);

кўрсатилган хизмат учун нархлар бўйича таклифлар (4-шакл).

3.4. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилаётган барча ҳужжатлар давлат ёки рус тилларида ёзилган, танлов Иштирокчисининг ишончли вакили томонидан имзоланган ва танлов Иштирокчиси муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

3.5. Эълонда Танловни ўтказиш вақти деб белгиланган вақтда танлов Иштирокчисининг вакили муҳрланган пакетларни очиш ва таклифларни баҳолаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга.

4-боб. НАРХЛАР ҚИСМИ

5.1. Хизмат учун максимал баҳо:

| № | Хизмат турининг номланиши | Ўлчов бирлиги, хизмат | Битта хизмат учун белгиланган наrx, сўм | Умумий сумма, сўм |
|--------------------|--|-----------------------------|--|----------------------|
| 1 | Аутсорсер (иссик овқат тайёрлаш хизмати) | 18728.78 | 34971 | 654964346 |
| Жами сумма: | | | | 654964346 |

Тўлов шартлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 16 мартдаги № 139 сонли Қарорига асосан кўрсатилган хизмат бўйича тўловлар қуйидагича амалга оширилади:

Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори хар ойнинг 10- санасига ;

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида.

Асосий тижорат талаблари: Танлов иштирокчиси ўзининг нарх-наво бўйича таклифларини танлов ҳужжатларида аке эттириши ёки хизмат бўйича нархлар жадвалини (4-шакл) тўлдириши лозим.